

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРКУЛОВ СУХРОБ ДУСМУРАТОВИЧ

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИЖТИМОЙ ОНГДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Наркулов Сухроб Дусмуратович Мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ва ижтимоий онгдаги ўзгаришлар	3
Наркулов Сухроб Дусмуратович Развитие гражданского общества и изменения общественного сознания в период независимости Узбекистана	24
Narkulov Sukhrob Dusmurovich The development of civil society and the changes in social mind during Independence of Uzbekistan	46
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	50

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРКУЛОВ СУХРОБ ДУСМУРАТОВИЧ

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИЖТИМОЙ ОНГДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Fal15 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абилов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Отамуродов Саъдулла Отамуродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Давронов Зиёдулла Давронович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хайдаров Хуррам Фармонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

О.Д.Нишанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

М.Т.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари демократик сиёсий фаолликни назарда тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширмоқда. Бу жараёнда сиёсий партиялар ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Фуқароларга нодавлат секторни ривожлантиришнинг муҳим мақсадли объекти сифатида эътибор қаратилмоқда. Оила, кексалар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича кўмитанинг бўлимлари ташкил этилган, фондлар сони тобора ошиб бормоқда.

Дунёда ижтимоий онгдаги трансформация жараёнлари, миллий менталитет билан демократик қарашлар ўртасидаги диалектик алоқалар, нодемократик онгнинг ижтимоий фикр ва ижтимоий хулқ-атворга бузғунчи таъсири, унинг ғайриинсоний ва ғайридемократик хусусиятларини ўрганиш устувор вазифага айланган. Шунингдек, Ғарб олимларида жамият ижтимоий онгига шахс индивидуализмини қарши қўйишга мойиллик кучли бўлса, Шарқ олимлари жамоавийлик, ижтимоий онг шаклларига кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, кишиларни демократик ислохотларга кенг жалб этиш устувор вазифага айланди. Бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди, хусусан, 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Бугун 9000 дан зиёд нодавлат ташкилотлари, 1513 та оммавий ахборот воситалари, 10 мингдан ортиқ маҳалла, 100 га яқин жамоат фондлари демократик ўзгаришлар ҳамда жамиятни эркинлаштириш жараёнида фаол қатнашмоқда. Натижада, мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий жараёнларга муносабати тубдан ўзгарди, ижтимоий онгда трансформация юз берди. Мафкуравий майдонда «инсон онги учун кураш» кечаётган бир пайтда ижтимоий онг, ундаги ўзгаришлар масаласини чуқур илмий таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш долзарб ва зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги 337-I-сон «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, 1999 йил 14 апрелдаги 763-I-сон «Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, 2003 йил 29 августдаги 527-II-сон «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2851-сон «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, ижтимоий онгнинг имманент хусусиятлари ва ўзгариш қонуниятларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этишга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute for the study of Religion, Economies and Society, Institute research social opinion of Gallup, Centre research civil society of University name Johns Hopkins (AQSH), Institute of Central Asia, European Union Institute for Security Studies (Франция), Institute of Contemporary Arts (Англия), Asian Strategy and Leadership Institute (Малайзия), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center (Германия), Institute of Academy for study modern international relations Europe and Asia (Хитой), Osaka University (Япония), Seoul of National University (Жанубий Корея), Сиёсий тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш фонди, Фуқаролик жамияти ва маҳаллий бошқарувни ривожлантириш институти (Россия), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (Ўзбекистон) томонидан омалга оширилмоқда.

Жаҳонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши шароитида ижтимоий онгдаги ўзгаришларга оид тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, кўйидаги илмий натижалар олинган: фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг тарихий қонуниятлари, уларнинг ижтимоий онг билан диалектик алоқалари асосланган (Institute for the study of Religion Economies and Society (AQSH), Institute of Academy for study modern international relations Europe and Asia (Хитой); онг ва фикрлашнинг социокреатив хусусиятлари, уларнинг шахс, гуруҳ ва социумнинг конструктив хулқ-атвориға, ижтимоий фаолиятиға таъсири очиб берилган (European Union Institute for Security Studies (Франция), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center, (Германия); тоталитар онгнинг ижтимоий фикр ва ижтимоий хулқ-

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.chapman.edu; www.unesco-icas.org; www.gallup.com; www.iss.europa.eu; <https://apply.jhu.edu>; www.ica.org.uk; www.asli.com.my; www.fes.de; <https://icscentre.org>; en.shisu.edu.cn; www.osaka-u.ac.jp; useoul.edu; www.isprras.ru; <http://c-society.ru>; nimfogo.uz; <http://www.dba.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

атворга бузғунчи таъсири, ғайриинсоний ва ғайридемократик хусусиятлари очиб берилган (Asian Strategy and Leadership Institute (Малайзия); фуқаролик жамияти, унинг демократизм ва конституционализм, фуқаровий ва ҳуқуқий маданият, сиёсий онг ва плюрализм билан боғлиқ жиҳатлари асосланган (Сиёсий тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-қувватлаш фонди, Фуқаролик жамияти ва маҳаллий бошқарувни ривожлантириш институти (Россия); миллий демократик тараққиётнинг миллий ғоя, маҳалла институти, кўппартиявийлик миллий тизимига боғлиқлиги асосланган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (Ўзбекистон).

Дунёда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва у билан боғлиқ ҳолда ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатларни модернизациялаш, маданиятлар, конфессиялар, ҳамжамиятлар ўртасидаги мулоқот ва интеграцияни ривожлантириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: анънавий жамиятни модернизациялаш жараёнида индивидуал ва ижтимоий онгнинг ўзаро таъсири; ижтимоий борлиқни тизимли ўзгартиришда миллий ўзликни англаш масалалари; шахснинг социокреатив фаолияти, мотивлари, ижтимоий қизиқишлари ва манфаатларига онг билан боғлиқ омиллар таъсири; ижтимоий фикрнинг фалсафий-психологик муаммолари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарлари¹, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва ижтимоий онгни ўзгартиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.²

Фуқаролик жамиятига оид айрим фикрларни халқимиз маънавий-маданий мероси «Авесто»да учратишимиз мумкин. Шунингдек, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синонинг сиёсий-фалсафий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.; Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 181 б.; Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.; Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.–Тошкент: Ўзбекистон, 2015. - 304 б.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

рисолаларида инсон, унинг ижтимоий борлиги, маънавий-ахлоқий фазилатлари, онги ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани, улар «идеал давлат»нинг асослари экани очиб берилган.

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг айрим муаммолари ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар файласуфлар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, жамиятшунослар томонидан ўрганилган. Хусусан, А.Саидов, А.Қодиров, Б.Тўйчиев, И.Эргашев, К.Джавакова, М.Қирғизбоев Т.Жўраев, У.Абилов, Х.Одилқориев, Ш.Мамадалиев, Э.Халилов томонидан демократлаштиришнинг сиёсий-фалсафий ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги институтларини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий онг ва маданиятнинг ўрни каби масалалар тадқиқ этилади.

Хорижлик олимлар: Д.Мур, К.Мангейм, Ф.А.Хайек, К.Поппер, Ж.Д.Адаир, А.Маслоу, Р.Дарендорф, Р.Даль, Д.Коэн, И.Сабо, Э.Арато, МДХ тадқиқотчилари Д.А.Керимов, В.В.Соловьёв, К.С.Гаджиев, У.К.Саралаев, У.Чиналиев, В.А.Кучинский, Т.В.Кухарук, М.Н.Марченко, В.Н.Михеев, С.Н.Егоров, А.А.Данилов, Д.А.Жекшенкулов ҳам фуқаролик жамияти ва социум маънавий ҳаёти, ижтимоий онгдаги ўзгаришларнинг айрим масалаларини ўрганганлар.¹ Мазкур олимлар Ғарб тажрибасини тадқиқ этишади, бизнинг диққатимиз эса мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнлари ва уларнинг ижтимоий онга таъсирини ўрганишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва илмий-фалсафий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг қонуниятлари ҳамда ижтимоий онгдаги ўзгаришларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролик жамияти ва ижтимоий онг боғлиқлигининг социокреатив қонуниятларини, эндотрансформацион ва экзотрансформацион ўзгаришлар диалектикаси моҳиятини очиб бериш;

фуқаролик жамиятида ижтимоий онгнинг экстравертив ва социокреатив қонуниятларини, уларнинг ижтимоий муносабатларни бошқаришга таъсирини асослаш;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгни ривожлантиришга оид назарияларни ҳамда амалий тажрибаларни халқаро миқёсда оммалаштиришнинг усул-воситаларини ишлаб чиқиш;

¹Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертация охиридаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

фуқаролик жамияти ва ижтимоий онг парадигмал ўзгаришларида миллий ғоя ҳамда сиёсий онг трансформациясининг миллий ўзликни англашдаги ролини асослаш;

бозор муносабатларига ўтиш ва фуқаролик жамияти асосларини яратишда иқтисодий онгнинг имманент белгилари, миллий демократик характери ва ижтимоий моҳиятини очиб бериш;

«Ҳаракатлар стратегияси»ни амалга ошириш институтлари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш потенциал имкониятларини, оптимал йўллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ижтимоий онгдаги ўзгаришлар.

Тадқиқотнинг предмети - фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида ижтимоий онгдаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий омиллар инъикоси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анализ ва синтез, комплекс ва тизимли ёндашув, социологик сўровнома, кузатув, социометрик таҳлил, ретроспектив ёндашув, психодиагностика ва назарий моделлаштириш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ва ижтимоий онг шакллари (миллий ҳамда этник онг) компонентларининг диалектик алоқадорлиги асосланган;

ижтимоий ва иқтисодий онгнинг моҳиятан ва функционал боғлиқлиги субъектив ва объектив омилларнинг социокреатив, регулятив ҳамда аподиктив хусусиятлари орқали очиб берилган;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида субъектив омилнинг янги фаолият йўналишлари ҳамда умуминсоний ва демократик кадриятларни ифода этувчи янги маънавий кадриятлар тизимини юзага келиши ижтимоий онгда модернизация ва глобаллашувга асосланган янги дунёқараш тизимини шаклланишига олиб келиши фалсафий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллик характери ва ижтимоий воқеликка фаол акс таъсир эта олиш ҳамда ворисийлик хусусиятлари очиб берилган;

интеграция жараёнлари, модернизация натижасида Ўзбекистонда инновацион онг ва унинг креатив хусусиятлари шаклланишига илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий онгни ўрганишнинг самарали социологик усуллари (экспресс савол-жавоб, социометрик таҳлил) ишлаб чиқилган;

ижтимоий онгнинг социокреатив имкониятларидан рационал, самарали фойдаланишнинг бир қатор чора-тадбирлари (ижтимоий онг динамикасини изчил ўрганиб бориш, ижтимоий фикр таҳлиliga дифференциал ёндашиш,

«Мен» ва «Биз», «Мен» ва «Улар» алоқаларининг қиёсий ижтимоий-психологик таҳлилини ўтказиш, шахс ижтимоий-маънавий ҳаётидаги эндотрансформацион ва экзотрансформацион ўзгаришларни кузатиш) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалардан фалсафий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла институти фаолиятида, шунингдек, миллий ғояни тарғиб этишда, ижтимоий фаол ва онгли, ватанпарвар ёшларни шакллантиришда, маҳаллаларда олиб борилаётган оммавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ва ижтимоий онгдаги ўзгаришлар тадқиқоти натижаси асосида:

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ва ижтимоий онг шакллари (миллий ҳамда этник онг) компонентларининг диалектик алоқадорлиги хусусидаги таклифлардан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказилган тадбирларда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2017 йил 25 декабрдаги 02-02/1108-сон маълумотномаси). Бу фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ижтимоий онгдаги трансформация жараёнларини тўғри англаш, ёшларда миллий-маънавий кадриятларга ҳурмат ҳиссини ривожлантириш ҳамда инновацион онгнинг креатив хусусиятларини шакллантириш имконини берган;

ижтимоий ва иқтисодий онгнинг моҳиятан ва функционал боғлиқлиги, субъектив ва объектив омилларнинг социокреатив, регулятив ҳамда аподиктив хусусиятлари, интеграция жараёнлари, модернизация натижасида Ўзбекистонда инновацион онг ва унинг креатив хусусиятларини шакллантиришга оид таклиф-тавсиялардан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган «Маънавий баркамоллик шартлари», «Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак», «Ёшлар тинчлик истайди», «Оила бахти – жамият мустаҳкамлиги гарови» мавзуларидаги тадбирларда фойдаланилган (Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2017 йил 21 июлдаги 260-сон маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ёшларимиз қалбида миллий онг ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлашга, онгли яшаш, ўз фикрига эга бўлиш,

маънавий тажовузларга қарши тура олиш кўникмасини шакллантиришга, шунингдек, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган, жамият аъзоларининг мафкуравий иммунитетини юксалтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида субъектив омилнинг янги фаолият йўналишлари, умуминсоний ва демократик кадриятларни ифода этувчи янги маънавий кадриятлар ҳамда ижтимоий онгда модернизация ва глобаллашувга асосланган янги дунёқараш тизимини шакллантиришга оид таклифлардан Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирларда ҳамда Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси «O`zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонаси «Маданий-маърифий, бадий эшиттиришлар» муҳарририятининг «Миллат ва маънавият» эшиттириши сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг 2017 йил 22 декабрдаги 105/1-сон, Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2017 йил 18 сентябрдаги O`z/R.-77-сон маълумотномалари). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, миллий, диний анъаналар ва урф-одатларни ривожлантириш, фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ижтимоий онгдаги ўзгаришларни тўғри англаш имконини берган;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ижтимоий оннинг нисбий мустақиллик характери ва ижтимоий воқеликка фаол ақс таъсир эта олиш ҳамда ворисийлик хусусиятлари борасидаги таклиф ва тавсиялардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ўтказилган «Аҳолининг кайфиятига таъсир этувчи омиллар» мавзусидаги тадбирда ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланган «Кўзгудаги биз», «Выборы – зеркало демократии», «Пойтахт-интервью» кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017 йил 15 сентябрдаги 11/213-сон, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2016 йил 19 декабрдаги 01-16-725-сон маълумотномалари). Бу фуқаролик жамиятини ривожлантириш, миллий онгни юксалтириш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг осойишта ва обод турмушини таъминлашга, шунингдек, фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида умуминсоний ва демократик кадриятларни ифода этувчи янги маънавий кадриятлар тизимини юзага келишини чуқур мониторинг қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (13 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 221 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онг: диалектик боғлиқлигининг илмий, назарий-фалсафий масалалари**» деб номланган биринчи бобида фуқаролик жамиятига ўтиш ижтимоий-тарихий тараққиётнинг объектив қонуни эканлиги, фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгнинг диалектик боғлиқлиги масалалари, ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари тадқиқ этилган.

Идеал жамият барпо этиш инсониятнинг орзуси бўлиб келгани, фуқаролик жамияти ана шу идеалнинг, утопиянинг реал воқеликка айлантириш имкони экани асосланган.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт ҳақидаги илмий, назарий-фалсафий қарашларни оптимистик ва пессимистик кўринишларга гуруҳлаш мумкин. Одатда, оптимистлар ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунлари мавжудлигини тан оладилар ва жамият перманент тарзда ривожланиш йўлидан боради, деган концепцияни илгари сурадилар. Шунинг учун оптимистларнинг узлуксиз ривожланиш ҳақидаги ғояларга берилиши одатий ҳолдир.

Диссертацияда инсон онги аҳамиятли ҳодисаларга қаратилган фаолият ва муносабатлар таъсирининг инъикоси экани таъкидланган. Инсон ён-

атрофдагилар билан муносабатларга киришганида мутлақ якка эмаслигини, бошқалар билан муносабатларга киришиш унинг ҳам яшаш кафолати, шарти эканини биледи, аммо у ўзи учун зарур, аҳамиятли бўлган нарсаларга диққатини, ўй-хаёлини қаратади.

Ижтимоий онг – экстроспектив ҳодиса. У инсоннинг ён-атрофга, объектив борлиққа, жамиятга анланган ва билган тарздаги муносабатлари ифодаси. Унинг асосида ижтимоий ҳаёт, объектив борлиқ қонуниятлари, хусусиятлари ва имкониятларини билиш, ушбу билим асосида уларга муносабат билдириш ётади. Фуқаролик жамияти билан ижтимоий онг ўртасидаги диалектик боғлиқлик жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, мавжудлик хусусиятлари ва объектив имкониятларини билишда намоён бўлади. Шунинг учун барча фикр ва қарашлар ижтимоий онг бўлавермайди, фақат жамият учун зарур, ижтимоий муҳим, жамиятнинг объектив кизиқишларига мувофиқ келадиган муносабатлар ижтимоий онг ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти демократик кадриятлар мавжуд, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланган, очик мулоқотга асосланган, информациялар олиш ва тарқатишни одатий ҳол ҳисоблайдиган ижтимоий макондир. Ижтимоий онг эса информацияларга муҳтож, у жамиятдан очик бўлишни, зарур информацияларни тарқатишни талаб қилади. Ижтимоий-сиёсий институтлар, давлат ҳокимияти, ОАВ, қабул қилинадиган қарор, режа ва дастурлар инсон онгини бойитувчи, унинг информацияга бўлган эҳтиёжини қондирувчи воситалар ҳисобланади. Бошқариш тизими, ҳокимият билан аҳоли, жамоатчилик ўртасида «коммуникатив диалог» юзага келиши демократик тараққиёт талабидир. Шунинг учун ижтимоий онг жамиятнинг ҳолати, эҳтиёжлари ва имкониятлари ҳақида информациялар олиб туришга интилади, уларни баҳолайди ва ўз синтезидан ўтказади.

Ташқи ҳаёт, дунё қанчалик очик, демократик бўлгани сари инсоннинг ички олами, перцептив-когнитив дунёси ҳам шунчалик очик, демократик бўлиши даркор. Ташқи дунёдаги, жамиятдаги демократизм (ижтимоий демократизм) инсоннинг ички дунёсидаги, руҳияти ва қалбидаги демократизм (когнитив демократизм) орқалигина қимматлидир. Фуқаролик жамияти ҳақида гап кетганида ижтимоий онгнинг мазкур ички, когнитив демократизмга таъсири, ундан кейин ижтимоий муносабатларга боғлиқлиги назарда тутилиши даркор. Агар фуқаролик жамияти инсон манфаатларини ўзининг олий кадриятлари деб билса, ундаги демократик кадриятлар индивиддаги, инсондаги когнитив демократизмда акс этиши зарур. Фуқаролик жамиятида ушбу икки демократизм диалектик уйғунлашади. Диссертацияда ижтимоий онгдаги трансформация жараёнлари ижтимоий демократизм билан когнитив демократизм ўртасидаги диалектик боғлиқликлар орқали очиб берилади.

Ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари ички «Мен»нинг ташқи олам, ижтимоий борлиқ билан фаол муносабатга киришганида намоён

бўлиши таъкидланади. Мазкур хусусиятлар қуйидаги йўналишларда тадқиқ этилган: билиш, илм олишга интилиш; дунёқараш; миллий менталитет; ижтимоий-маданий бойликлар ва кадриятлар; трансцендентал идеал; когнитив изланиш ва ижодий фаолият.

Инсоннинг билишга, билим олишга интилиши онгнинг креатив хислати ҳисобланади. Аммо бу хислат ижтимоий аҳамият ва моҳият касб этиши учун шахс индивидуал қизиқиш ва интилишларини жамият тараққиёти талаблари билан боғлаши шарт. Ана шунда индивид онги ижтимоий социокреатив онгга айланади.

Диссертацияда ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари инсондаги дунёқарашлар, уларнинг қандай назарий-фалсафий, илмий йўналишга, моҳиятга эга эканида ёрқин намоён бўлиши таъкидланган.

Ижтимоий онгнинг социокреатив хусусияти миллий менталитетда, унинг ижобий аҳамиятга эга, демократик ривожланишга ёрдам берадиган изланишларни қўллаб-қувватлаганида ва мафкуравий, ғоявий иммунитетни шакллантирганида акс этади. Демак, ижтимоий онг миллий мақсад ва вазифаларга таянади.

Ижтимоий онг инсонни ижтимоий-маданий бойликлар яратишига ёрдам беради. Ижтимоий онгнинг асосий социокреатив моҳияти кишини ижодий фаолиятга, ижтимоий-маданий бойликлар яратишга тайёрлаганидадир.

Ижтимоий онг трансцендентал фикр ва трансцендентал идеал билан боғлиқ. Ижтимоий онг уларга мурожаат этганида улардаги ортодоксал қарашлар ва консерватив урф-одатларни жамиятга олиб киришни эмас, балки диндаги социокреатив тажрибалар ва усуллардан шахс ва жамиятни маънавий-руҳий юксалтиришда фойдаланишни назарда тутди. Трансцендентал идеал шахс маънавиятини янги поғонага кўтариши, уни гуманистик кадриятлар яратишга ундаши зарур. Шунингдек, ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари: 1) ижтимоий фикр; 2) ижтимоий муносабатлар; 3) ижтимоий хатти-ҳаракатлар (фаолият) феноменлари орқали ҳам тадқиқ этилган.

Диссертацияда ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар диалектик боғлиқ, аммо консубстанционал воқеликлар экани таъкидланган. Ижтимоий онг ижтимоий муносабатларга мувофиқ тасниф қилиниши мумкин. Аммо бу ижтимоий онгнинг ўзига хос воқелик эканини инкор қилмайди. Агар ижтимоий онг априори сифатида қаралганида унинг тор когнитив-сенситив шакллари тадқиқ этилиши шарт эди. Диссертациядаги мақсад ва вазифалар ижтимоий онгнинг апостриори, яъни фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ тарзда ўрганишга қаратилган. Шунинг учун ижтимоий онг фуқаролик жамиятининг ривожланишини таъминлаётган сиёсий асос, иқтисодий асос ва маънавий асос орқали очиб берилган.

Фуқаролик жамияти билан ижтимоий онг диалектик ривожланадиган феноменлар сирасига киради. Ижтимоий макон, муҳит онгга қандай таъсир этса, онг ҳам муҳитга, ижтимоий маконга шундай таъсир этади. Бироқ

ижтимоий макон, муҳит объектив борлиқ сифатида таъсир этади, онг эса субъектив феномен тарзида инсонни объектив борлиқни ўзгартиришга етаклайди. Объективлик ва субъективликнинг уйғун келиши социализимнинг яхлит воқелик сифатида, инсон ва жамият ҳаёти умумий қонунларга мувофиқ ривожланишидан дарак беради. Уларни бир-бирига қарши, антипод қилиб қўйиш мумкин эмас, гносеологик изланишлар улар ўртасидан фарқ, тафовут қидиради. Аслида бундай изланишлар ҳам инсон ва жамият ҳаёти умумий қонуниятларга мувофиқ ривожланишини мутлақ рад этмайди. Тўғри, инсон онги беором изланишга, янги-янги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишга мойил, уни ҳар диом ҳам тайёр постулатлар, ечимлар қониктиравермайди. Янгилик, бетакрорлик, ўз «Мен»ини излаш субъектив феноменнинг социокреатив моҳиятидир.

Ижтимоий онг онгнинг ҳуқуқ, тарих, эстетика, бадий ижод, дин, космология, эзотерия шакллари ёки индивидуал, корпоратив, миллий, ўсмирлар, ёшлар, жинслар, ижодкор ёки турғун онг каби кўринишларида ўрганилиши мумкин. Бироқ мавзунини бу даражада кенгайтириш тадқиқотни фуқаролик жамияти муаммоларидан узоқлаштирган бўлар эди. Шунинг учун диссертацияда қўйилган муаммо, юқоридаги асосларга мувофиқ, сиёсий онг, иқтисодий онг ва маънавият билан боғлиқ кўринишларга классификация қилиниб, тадқиқ этилган.

Диссертациянинг **«Ижтимоий онг – сиёсий онг – миллий ўзликни англаш: фуқаролик жамиятидаги ўзгаришларнинг демократик хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш трансформация омиллари эканлиги, сиёсий онг ва ижтимоий бошқаришдаги ўзгаришлар, сиёсий онг ва фуқаролик жамияти институтлари, трансформация жараёнларининг миллий демократик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Сиёсий онг – ижтимоий онгнинг ўзаги, у мазкур ўзаги орқалигина жамият, давлат ва бошқариш фаолиятига, институтлар ва индивидлар ҳаётига, турмуши, дунёқарашига таъсир этади.

Жамиятда амалга оширилаётган ўзгаришлар сиёсий онг қувватининг ёрқин кўриниши ҳисобланади, айнан сиёсий онг ривожланишнинг стратегик мақсади, вазифаларини белгилаб беради, тараққийпарвар кучларни ўз идеали, дастурлари атрофида бирлаштиради.

Диссертацияда трансформация жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш контекстида тадқиқ этилган. Демократизация ва модернизация ўзаро боғлиқ, улар таъсири туфайли трансформация жараёни ҳақида гапириш мумкин. Трансформация – тизимли ўзгаришлар жараёни, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялашнинг босқичидир. Трансформация ўзича мақсад бўлолмайди. Шунинг учун, трансформация, демократлаштириш ва модернизациялаш ягона бир вақт ва ижтимоий маконнинг маҳсуллари сифатида сиёсий онгнинг объективлашиш жараёнлари, механизмлари ҳисобланади.

Сиёсий онг ижтимоий бошқариш, давлат, ҳокимият, ҳуқуқ, вертикал (субординацион) ва горизонтал (координацион) муносабатлар, ташкил этиш, информациялар тарқатиш, жамият ва кишилар ҳаётини йўлга қўйиш кабилар билан боғлиқ. Диссертацияда сиёсий онг мудом бетакрор вазиятдан келиб чиқиб, қарор қабул қилишга, бошқариш масъулиятини ўз устига олишга ундайди, деб таъкидланади. Бу ўринда Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг сиёсий фаолияти, айниқса, унинг Фарғона воқеалари (1989 йил 24-25 июнь)даги сиёсий муносабати ва ҳаракати ёрқин мисол бўлиши мумкин.¹ Айнан ўша даврдаги миллатлараро муносабатларга оид қабул қилинган конструктив ва тўғри сиёсий қарор Ўзбекистонда яшаётган этнослар, миллатлар онгини ўзгартирди, уларда оға-инилик, дўстлик, тинч ва муросада яшаш туйғуларини шакллантирди.

Сиёсий онг нафақат ижтимоий борлиқни ўзгартиради, шу билан бирга, унинг ўзи ҳам жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида трансформация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан Ҳаракатлар стратегияси ва 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши халқимиз онгида туб ўзгаришлар ясади. Шу кунгача ҳукумат порталига фуқаролардан 1 миллион 400 мингга яқин мурожаат тушди. Халқ ташаббуси сиёсий институтлар фаолиятини юксалтиришга ундади.

Бугун социологик сўровномалар шуни кўрсатаптики, кишиларнинг, аҳолининг онги ва фикрида давлат олий ҳокимиятига барқарор ижобий муносабатлар шаклланган. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг келтиришича, бугун «фуқаролик жамияти» тушунчаси бизнинг фуқароларимиз онгидан ва улар лексиконидан барқарор жой олган.² Аммо респондентларнинг фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига ижобий муносабати ҳали юқори эмас. Уларнинг фаолиятдан фақат 38%га яқин респондентларимиз қониқади. Бу кўрсаткич фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти респондентлари жавобларида 44 фоизни ташкил этади.³ Ҳатто кейинги йилларда Маҳалла ҳаётимизда сезиларли ўрин эгаллаётган бўлса-да, лекин ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳали кўп.

Демак, ижтимоий онгдаги трансформация жараёнлари тўлқинсимон кечиш хусусиятига эга. Социологик сўровномалар натижаларининг кўрсатишича, давлат ҳокимияти институтлари ичида фақат Президент фаолияти барқарор ва энг юксак (100%) баҳо олади. Фуқароларнинг қолган институтларга муносабати динамик ўзгариб туради, флуктуацион характерга

¹ Сўз боши ўрнида // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 8-9.

² Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. – Тошкент: Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, 2016. – 4 б.

³ Ўша асар. – 77 б.

эга. Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис фаолиятини респондентлар юқори баҳолайдилар, уларга ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жамиятни модернизациялаш ва барқарорликни таъминлаш омили деб қарайдилар. Президент ва ҳукуматимизнинг Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда ўтказаетган ислохотлари, давлат ҳокимиятини янада очиқ қилишга қаратилган чора-тадбирлари кишилар ижтимоий онгига ижобий таъсир этмоқда. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида янги изланишлар, ўзгаришлар бўлиши лозим. Уларнинг фаолиятида, ижтимоий-сиёсий ҳаётга эндигина кириб келаётгани сабабли, дадиллик, фаоллик, кишилар манфаатларига хизмат қилиш, ташаббускорлик етишмайди. Ижтимоий фикр фуқаролик жамияти институтлари икки томонлама характерга эга фаолиятининг бевосита таъсирида шаклланади. Бу, айниқса, кишиларнинг, аҳолининг маҳаллий ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига муносабатида аниқ кўзга ташланади.

Диссертациянинг **«Иқтисодий онг ва фуқаролик жамиятидаги ўзгаришлар: миллий хусусиятлари, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари»** деб номланган учинчи бобида фуқаролик жамиятидаги иқтисодий онгнинг имманент белгилари ва уларнинг ижтимоий моҳияти, «ўзбек модели» ва бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларида иқтисодий онгдаги ўзгаришлар, рақобатдош иқтисодиёт ва иқтисодий онгдаги тизимли ўзгаришларга хос хусусиятлар таҳлил этилган.

Ижтимоий онгдаги трансформация жараёнлари жамият, давлат ва бошқарув билан боғлиқ экан, улар мазкур тизимнинг таркибий қисми – иқтисодиёт, иқтисодий онг, иқтисодий ўзгаришларни ҳам ўрганишни тақозо этади. Чунки жамият ҳаётининг пойдевори, субъектив ҳодисаларнинг субстанционал асоси иқтисодий муносабатлардир.

Иқтисодий онг ижтимоий онг билан моҳиятан ва функционал боғлиқ. Мазкур боғлиқлик жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг устуворлиги, уларнинг кишилараро ва институтлараро муносабатларга универсал таъсири, барча субъектларни фаол ҳаракатга, социокреатив изланишларга ундаши инъикосидир. Инсон иқтисодий фаолиятидан, меҳнатидан оладиган қониқиш объектив ва субъектив тўсиқларни, машаққатларни енгиш асосидагина ҳосил бўладиган туйғу. Иқтисодий онг айнан ушбу омил негизида шаклланадиган субъектив воқелиқдир.

Иқтисодий ва ижтимоий онгнинг бир-бирига моҳиятан ҳамда функционал боғлиқлиги уларнинг жамият, тараққиёт ва инсон манфаатлари билан уйғунлигидан келиб чиқади. Яъни онглار ўртасидаги боғлиқликнинг негизи манфаатлардир. Агар гап иқтисодий онг тўғрисида кетса, унинг негизини иқтисодий манфаатлардан, ижтимоий ва иқтисодий онглار боғлиқлиги ҳақида кетса, уларнинг асосини ижтимоий ва иқтисодий манфаатлар муштараклигидан, мабодо, сўз онг ва манфаатларнинг бир-бирига таъсири борасида юритилса, субъектив ва объектив омилларнинг

социокреатив, регулятив ҳамда аподиктив хусусиятларидан излаш зарур бўлади. Чунки иқтисодий онг билан ижтимоий онг ўртасидаги диалектик боғлиқлик, ўзаро таъсир аниқ манфаатлар негизда рўй беради.

Иқтисодий борлиқ инсон, жамият, тараққиёт билан боғлиқ фундаментал қонунларни ўзида мужассам этади. Ушбу фундаментал қонунларнинг амал қилиши туфайли инсон ўзининг кундалик ҳаёти ва фаолиятини нимага сарфлаётганини, эртага, индинга нималар қилиши зарурлигини англайди, режалаштиради.

Инсон кўп вақтини, кучини ва ақлу тафаккурини кундалик меҳнатга, иқтисодий муносабатларга бағишлар экан, ўз даврига хос иқтисодий борлиқни яратишга ҳисса кўшади. Қандай иқтисодий борлиқни яратса, шундай муҳитда, макон ва муносабатларда яшайди, унинг кундалик меҳнати ушбу борлиққа мувофиқдир. Энг муҳими, инсоннинг ижтимоий онг, характер, мотив, ҳаёти ва фаолиятдан қониқиш, жамиятдаги мавқеи ана шу ўзи яратишда иштирок этган иқтисодий борлиқда шаклланади.

Диссертацияда иқтисодий онг ва ундаги трансформация жараёнлари:

- иқтисодий борлиқ фундаментал қонунларининг кишилар, жамият онги, ҳаёт тарзи ва моддий қизиқишларига таъсири;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни назарий моделлаштиришга қаратилган фаолияти;

- инсоннинг ижтимоий-иқтисодий фаолликдан фойдаланиш ва уни жамият манфаатларига йўналтириш механизмларини билишга интилиши орқали очиб берилган.

Иқтисодий онгнинг имманент илк белгиси бойлик яратиш, орттириш, фойда кўришдир. Иқтисодий борлиқни моддий бойликсиз тасаввур этиш қийин, чунки меҳнат жараёнида яратилган бойликлар туфайлигина иқтисодий борлиқ реал кўриниш касб этади, иқтисодий, моддий бойликлар орқалигина иқтисодий онг объективлашади. «Ишлаб чиқариш», «тақсимот» ва «истеъмол» шунчаки тушунчалар, сўзлар эмас, улар иқтисодий, моддий бойликлар яратишга қаратилган фаолият билан боғлиқлиги боис қимматли. Иқтисодий борлиқнинг ушбу фундаментал қонуни иқтисодий онгни қайси томонга, қандай мақсадларга йўналтиришни белгилаб беради.

Иқтисодий онг инсон эҳтиёжларини, қизиқишларини гоҳо тўғри акс эттирмаслиги мумкин, кейингиларнинг динамик хусусияти иқтисодий онгни тўлқинсимон ўзгариб туришга етаклайди. Аммо иқтисодий онг реал борлиққа, ижтимоий муносабатларга, ишлаб чиқариш жараёнларига иқтисодий фаолият орқали таъсир этиб, уларни ижтимоий жараёнларга мувофиқ трансформацияга учратади. Демак, иқтисодий онг ижтимоий борлиқни иқтисодий фаолият орқали трансформацияга учратади, унинг муҳим жиҳати иқтисодий фаолиятда, унинг динамик таъсиридадир.

Аниқ мисоллар ва иқтисодий муносабатлар динамикасини кузатиш асосида кишиларнинг, аҳолининг иқтисодий янгиланишлар ва ислохотларга бўлган муносабатлари бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли босқичларида

турлича бўлганлиги аниқланди. Агар 1991 йилда, масалан, қишлоқ хўжалиги, кооперативда аҳолининг 19 фоизи ишлаган бўлса, 1998 йилга келиб у 74,2 фоизга, 2000 йилга келиб қишлоқ хўжалиги кооперациясида 98 фоизга, халқ хўжалигида 86 фоизга, маиший-маданий соҳада эса 100 фоизга кўтарилди.¹ Демак, иқтисодий онгда хусусий мулкка, тадбиркорлик, эркин ишлашга ижобий муносабатларнинг пайдо бўлиши кишиларни нодавлат секторида ишлашга ундаган. Шу билан бирга, кишилар онгда эркин фаолият олиб боришга ғов бўлаётган нарсаларга салбий муносабат ҳам шаклланади. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини 1998 йили респондентларнинг 8,6 фоизи, 2000 йили 21,8 фоизи, 2002 йили 9,8 фоизи, 2003 йили эса 9,8 фоизи – «Жуда тез», ўша йиллар тартибида, 57,8; 52,4; 53,4 ва 41,7 фоизи – «Одатий тарзда», 29,9; 14,9; 27,5 ва 35,8 фоизи «Суст» деб баҳолаган.² Ушбу кўрсаткичлар иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги босқичларида тўлқинли ўзгаришларга учраган.³ Бу эса трансформация жараёнлари тўлқинсимон кечганидан далолат беради.

«Ўзбек модели» бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни иқтисодий демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан уйғун олиб боришни назарда тутгани туфайли ижтимоий онгда ижобий қарашларни, ислохотларга креатив муносабатларни шакллантирган.

